

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МЕХНАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН
ҲАМКОРЛИГИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ**

Набийев Мирзоҳид Илҳомович
ИИВ академияси 3-курс курсанти

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти кенг тарқалиб, аҳоли даромад манбаларининг анъанавий шакллари юзага келаётган бўлсада, фуқароларнинг корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишлашлари орқали миллий даромад яратилишида қатнашаётганлари, иш ҳақи сифатида даромад олиш йўли билан эса, ушбу миллий даромаддан ўз улушларини олаётганлари жамият иқтисодий ҳаётида салмоғли ўринга эга бўлиб бормоқда. Ана шундай шароитда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий механизмини чуқур англаб етиш, бу механизмни самарали ишлашини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

“Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан таъйинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади” .

Маълумки, меҳнат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан бири саналади ва шу сабабли ушбу соҳадаги ҳуқуқларнинг таъмин этилиши шахсларнинг жамиятдаги мавқеиларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мулкий мустақил бўлган шахсларгина тўла мустақилдир.

Ҳар қандай давлат бозор муносабатларига ўтар экан, сўзсиз бу борада ҳал этилиш керак бўлган энг муҳим ҳам моддий, ҳам ижтимоий масала ва вазифа, функцияларини аниқ, тўла ва батфсил белгилаб олишлиги зарур.

Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига юз тутиши, турли мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкил этилиши, ўз навбатида меҳнат муносабатларининг узлуксиз чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётганлиги, бозорнинг мустақил сектори сифатида мамлакатимизда меҳнат бозорининг шаклланаётганлиги, ишчи кучининг тобора кўпроқ товар сифатидаги хусусиятлари намоён бўлаётганлиги ҳам меҳнатга, меҳнат ҳуқуқларига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқшунослик фанлари орасида инсон ҳуқуқлари, уларнинг кенгайтирилиши, таъминланиши муаммолари билан шуғулланувчи фан тармоқларидан бири бўлган меҳнат ҳуқуқи фани ўзига хос ўринни эгаллайди.

Зеро, меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим ижтимоий, иқтисодий, табиий ҳуқуқларидан бири сифатида халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳам тўлақонли эътироф этилган.

Мамлакатимизнинг иқтисодий фаол аҳолиси асосий қисмининг ёлланиб, меҳнат шартномаси асосида меҳнат қилиши ва шу орқали ўзи ҳамда оила аъзолари учун тирикчилик ўтказиш манбаига эга эканлиги меҳнат ҳуқуқи фанининг жамиятдаги мавқеининг ортишига сабаб бўлмоқда.

Бозор муносабатлари тамойилларига таянувчи қатъий талаб ва шартлар тобора кучайиб бораётганлиги «ходим, иш берувчи» муносабатларида ходим ҳуқуқларини давлат йўли билан ҳимоялаш ва кафолатлаш эҳтиёжини кучайтирмоқда буларнинг барчаси меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, улар хусусида чуқур илмий мушоҳада қилиш, ечимларини топиш устида илмий тадқиқотлар олиб борилишини изчил йўлга қўйилишини талаб қилмоқда.